2017 ЙИЛ 28 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 132 (13.465)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

1 сентябрь – Мустақиллик куни мамлакатимиз истиқлолга эришган, жаҳон харитасида янги, мустақил ва суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлган, халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан буюк тарихий сана бўлиб, эл-юртимиз томонидан энг улуғ, энг азиз байрам сифатида доимо катта шоду хуррамлик билан нишонланиб келади.

Буюк ва бебаҳо неъмат – мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро микёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келмоқда.

Ватанимиз тарихида мутлақо янги саҳифа очган Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллигини муносиб кутиб олиш, истиқлол даврида эришаётган ютуқларимизни янада бир бор сарҳисоб қилиб, эл-юртимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **“Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Мазкур дастур 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрлансин.

Бу борада қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

“Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” деган тамойилга асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш орқали давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишларни атрофлича ёритиш;

“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил асосида жойларда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан халқ билан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш тизими йўлга қўйилгани, бунинг натижасида фуқароларнинг кўплаб мурожаат ва муаммолари қонуний ҳал этилаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

қонун устуворлигини таъминлаш, судҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, ички ишлар тизими ва прокуратура органларида амалга оширилаётган туб ислоҳотларни асосий мавзулардан бири сифатида акс эттириш;

иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, унинг рақобатдошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ва мутаносиб тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини ёритишга кенг ўрин ва аҳамият бериш;

“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади” деган ғоя асосида аҳоли, айниқса, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий бизнес ва касаначилик, томорқа хўжалигини ривожлантириш учун янги имконият ва преференциялар яратиб бериш, банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш, тегишли ташкилотлар орқали зарур ресурслар етказиб бериш тизими йўлга қўйилганини аниқ мисоллар билан кўрсатиш;

ижтимоий соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини самарали олиб боришга қаратилган ишларга алоҳида урғу бериш;

шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора очилиб бораётгани, аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, электр энергияси, тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминотини яхшилашга қаратилган ишларни атрофлича ёритиш;

“Маънавият – энг таъсирчан ва кудратли қуролимиз” деган тамойилга мувофиқ аҳолининг маданий савиясини юксалтириш, ёшлар ўртасида китобхонлик, жумладан, электрон китобхонликни ривожлантириш, ижодкор зиёлиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва уларнинг ютуқларини тарғиб этиш борасидаги ишларни кенг акс эттириш;

қўлга киритган барча ютуқларимизнинг асосий омили ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимиз, аввалambor, ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганини ҳаётий далил ва мисоллар орқали талқин этиш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, **қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш** тамойилига асосан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчликсевойлик, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кучайтириш, жаҳон миқёсида рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканини кенг жамоатчиликка етказиш.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда ёш ижрочилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун “Ниҳол” мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, “Тасвирий ойина” уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда “Энг улуғ, энг азиз”, “Сени куйлаймиз, замондош!”, “Ранглар жилосида – она диёр”, “Ватан учун яшайлик!” каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайрияларн ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июнь

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни – юртимиздаги барча журналистлар, газета ва журналлар, теле-радиоканаллар, нашриёт ва матбаа корхоналари фидойиларини, муҳтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим, эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз юритганда, биз, аввало, доимо янгилик излаб, янгиликка интилиб, ҳаётнинг қайноқ нуқталарига кириб борадиган, холислик ва ҳаққонийлик, Ватан ва халқ манфаатларини биринчи ўринга қўядиган олижаноб ва масъулиятли касб эгаларини тасаввур қиламиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Бутун мамлакатимиз қатори Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳам мустақиллик йилларида катта ривожланиш йўлини босиб ўтганини барчамиз яхши биламиз ва бундай ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳозирги кунда республикамизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 616 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, мустақилликдан олдин бу рақам бор-йўғи 48 соатга тенг эди, холос.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситаларининг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Буни юртимиздаги барча телеканаллар-нинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани ҳам тасдиқлайди. Яқин кунларда иш бошлайдиган, кечаю кундуз узлуксиз фаолият олиб борадиган “O`zbekiston – 24” телеканали миллий ахборот маконида ўз муносиб ўрнини ва ўз томошабинларини топади, деб ишонамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, энг тезкор ахборот воситаси – Интернет ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетгани, уларнинг аксарияти хорижий тилларда фаолият кўрсатаётгани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод – Интернет журналистлари шаклланиб бораётгани эътиборга сазовордир.

Албатта, бундай натижаларга эришишда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ана шундай эътибор туфайли ўтган даврда журналистларимиз учун фаолият майдонини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида кўп ишлар қилинди. Жумладан, матбуот ва оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган, демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган 10 га яқин қонун ҳужжати қабул қилиниб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий матбуот маркази, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Кейинги пайтда уларнинг қаторига Халқаро пресс-клуб ҳам қўшилди.

Сиз, азизларга яхши маълум, бугунги кунда мамлакатимизда китоб маҳсулотларини нашр қилиш ва тарқатиш тизими самарадорлигини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Бундай муҳим вазифани амалга ошириш учун юртимизда 118 та нашриёт, 1 минг 760 та матбаа корхонаси, минглаб ижодий ва техник ходимлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили 7 тилда 60 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этилмоқда.

Албатта, бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Лекин ана шу миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, шу асосда оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий тўртинчи ҳокимият бўлиб майдонга чиқишига эришиш, миллий медиа майдонимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб қолаётганини барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб берилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз.

Айниқса, ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни, жойларда ташкил этилган Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонада аҳоли томонидан кўтарилаётган ўткир ва долзарб масалаларни, уларнинг сабаб ва омилларини очиб бериш, жамиятимизда танқид ва ўзини ўзи танқид руҳини кучайтириш, афсуски, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳали тўла ўз ифодасини топгани йўқ.

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳаёт барчамиздан дадил ҳаракатларни, фаол ташаббусларни, ҳамма соҳада ҳаққоний ва одил муносабатни талаб этмоқда. Кўпни кўрган, сабр-тоқатли, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз амалга оширилаётган ана шундай муҳим ўзгаришларнинг натижасини кутмоқда.

Эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, локайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман.

Албатта, барчамиз яхши тушунамиз, бунинг учун оммавий ахборот воситалари вакилларидан нафақат профессионал билим ва малака, ҳаётий тажриба, ўз сўзи учун масъулият ҳисси, айни вақтда юксак гражданлик позицияси, маънавий жасорат ҳам талаб этилади. Бундай мақсадга эришиш учун оммавий ахборот воситаларига қонунчилик нуқтаи назаридан, моддий-техник, ўқув-услубий таъминот нуқтаи назаридан янада кенг имкониятлар яратиб беришимиз керак.

Замонавий миллий журналистика мактабини яратиш кўп жиҳатдан, аввало, юксак маънавий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун биз аввало тегишли олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари, экспертлар ҳамжамияти, хорижий ва халқаро ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз зарур.

Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Олдимизда турган, бир-биридан муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда, юртимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, унинг ўз кучига, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш, ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бир сўз билан айтганда, халқ манфаатининг чинакам ҳимоячиси бўлишда оммавий ахборот воситалари бундан буён ҳам фаол ҳаракат олиб борадилар, деб ишонаман.

Мен сиз, муҳтарам матбуот аҳлининг ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этиш учун доимо фидойилик кўрсатиб яшашингизни яхши биламан ва сизларни шу йўлда ўзимнинг энг яқин ҳамкорларим ва ёрдамчиларим деб ҳисоблайман. Сизларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатингиз ўз муносиб баҳосини топиши, янада самарали бўлиши учун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини албатта сафарбар этамиз.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Барчангизни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қутлаб, сизларга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда омад ва ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июнь куни Тошкент шаҳрида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2017 йил биринчи ярим йиллигида экспорт дастурининг ижроси, маҳаллий маҳсулотларни янги хорижий бозорларга сотиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини экспортга йўналтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги кўриб чиқилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, тегишли вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, видеоконференция алоқаси орқали Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида ташкил этилган студияларда Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари, корхоналар раҳбарлари, экспортчи тадбиркор ва фермерлар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва юқори суръатда ўсиш тенденциясини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилларидан бири – иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларининг экспорт салоҳиятини изчил ошириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини кучайтириш эканини алоҳида таъкидлади. Бу борада мамлакатимизда экспортчи корхоналар ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, қонун ҳужжатлари билан уларга берилган имтиёзлар ва яратилаётган шароитлар ҳақида алоҳида тўхталди.

(Давоми 2-бетда)

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари!

Америка халқи номидан Мелания ва мен Сизга ва Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити муносабати билан самимий табрикларимизни йўллаймиз.

Муқаддас Рамазон ойида Америка Қўшма Штатларидаги мусулмонлар бутун дунё мусулмонлари қатори имон-эътиқод ва хайр-эҳсон амалларига алоҳида эътибор қаратдилар. Америка Қўшма Штатларида мусулмонлар қўшниларга ва жамиятнинг турли табақалари вакилларига ёрдам бериш ҳамда қўллаб-қувватлашдек эзгу анъанани давом эттирган ҳолда, байрамни оила аъзолари ва дўстлар даврасида нишонладилар.

Мазкур байрамни нишонлар эканмиз, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат ва эзгу ният каби фазилатлар аҳамиятини янада теран англаймиз. Шу муносабат билан Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан ана шу қадриятларни эъзозлашга қаратилган умумий мажбуриятимизни яна бир бор таъкидлайди.

Сиз ва Ўзбекистон халқини яна бир бор байрам билан табриклайман! Рамазон ҳайити муборак бўлсин!

Ҳурмат билан,

Дональд Ж.ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев экспорт соҳасидаги ишлар аҳволини атрофлича таҳлил қилди.

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси бошқаруви раиси О.Рустамов, «Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти бош директори Ж.Холмуҳамедов эгаллаб турган лавозимига нолойиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари У.Розуқулов, ташқи савдо вазири Э.Ғаниевга мавжуд камчиликлари кўрсатиб ўтилди ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси раҳбарларида масъулият, талабчанлик ва ташаббускорлик етишмаётгани, бунинг оқибатида маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажмини ошириш борасида камчиликларга йўл қўйилаётганини қаттиқ танқид қилди.

Мазкур тармоқлар раҳбарларига "ҳайфсан" эълон қилиниб, уларнинг зиммасига маҳсулотлар экспорти соҳасидаги мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ва экспорт ҳажмини изчил ошириш юзасидан сезиларли ўзгаришларни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар юкланди.

Шунингдек, етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни ташкил этиш масаласида сусткашликка йўл қўйган Тошкент, Жиззах ва Андижон вилоятлари, шунингдек, қатор туманлар ҳокимликлари раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг анъанавий ташқи бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, янги ташқи бозорларни ўзлаштириш бўйича тизимли ишларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларига ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда ташқи бозорларда самарали фаолият юритиш учун замонавий инфратузилмани яратиш, корхона ва ташкилотлар томонидан хорижий мамлакатларда ташкил этилган савдо уйлари ва логистика марказлари ишини янада фаоллаштириш, давлатимиз элчихоналарининг савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ишларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилиниб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар, ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари, таклифлари эшитилди ва муҳокама қилинди, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш, экспорт географияси ва номенклатурасини кенгайтириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

ЎзА

ХАЛҚ ИШОНЧИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари ходимларидан янада фаол, ҳозиржавоб, ташаббускор бўлишни, мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил асосида ёритишни талаб этмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Қурбонов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани А.Матёқубов ва бошқалар истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий медиа соҳасини равнақ топтириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, матбуотни чинакам эркин фикр минбарига айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқ билан самимий ва очиқ мулоқот ўрнатиш, одамларни ўйлантираётган масалаларга ўз вақтида ечим топиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ислоҳотларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтариш, юртдошларимизнинг тинч ва осойишта, тўкин ва фаровон ҳаёт даражасини янги мазмун билан бойитиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар матбуот ходимлари зиммасига ҳам янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун кенг шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизациялашнинг янги истиқболларини белгилаб берди.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар асосида жамиятда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистлар фаолиятини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этилмоқда.

Медиа соҳага кўрсатилаётган эътибор натижасида барча турдаги оммавий ахборот воситаларида тайёрланаётган материаллардаги ўзига хос ижодий, танқидий-таҳлилий ёндашув, медиа маҳсулотлар сифатини тобора яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларига замонавий технологияларни жорий этиш, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг касб салоҳиятини юксалтириш, халқимизни тезкор, холис ва ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг матбуот хизматлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли лойиҳалар ҳаётга жорий этилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши нашриётлар фаолиятини давр руҳига мос йўлга қўйиш, ноширлик ишининг янада ривожланиши, ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Йилнинг энг фаол журналисти" иҳодий танлови ғолибларига диплом ва совғалар топширилди. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан таъсис этилган "Энг фаол спорт журналисти" республика танлови ғолиб ва совриндорлари ҳам тақдирланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар матбуотимиз ривожи йўлида кўрсатилаётган эътибор, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг мехнатини рағбатлантириш борасидаги ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

– Бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ғайрат, қатъият, шижоат, иҳодий изланиш билан меҳнат қиладиган вақт, – дейди "Тошкент" телеканали муҳаррири, "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиби Улуғбек Раҳмонқулов. – Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатини эъзозлаш доимий эътиборда. Билдирилган юксак ишончга муносиб бўлиш, зиммамиздаги масъулиятни теран англаш, Ватан, халқимиз манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилишни асосий бурчимиз, деб биламиз.

Тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театрининг "Мирзо Улуғбек" спектакли намойиш этилди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида оммавий ахборот воситалари ходимлари ва уларнинг фарзандлари учун сайил бўлиб ўтди. Иҳодий кечалар, китоб савдоси, спорт мусобақалари ташкил қилинди, мусиқий дастурлар намойиш этилди. Барча аттракционлар кичкинтойларга бепул хизмат кўрсатди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Аббосова Лобар – "Маҳалла" телерадиоканали катта муҳаррири

Фуқаролар йиғинларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, ижтимоий ҳимоя, вояга етмаганлар билан ишлаш, маҳаллада ёшларни спортга кенг жалб этиш мавзуларидаги эшиттиришлари учун

Бегниязова Қумар – "Туркистон" – "Молодёж Узбекистана" газеталарининг Қорақалпоғистон Республикасидаги махсус мухбири

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини тарғиб этишдаги фаол фуқаролик позицияси, турли кўринишдаги ёт ғоялар моҳияти очиб берилган публицистик материаллари учун

Кенгбоев Жасур – "Оила даврасида" газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Маънавий-ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти кенг ёритилган туркум мақолалари учун

Мадраҳимова Фотима – ЎзЭОАВМА "Ижтимоий-сиёсий ток дастурлар тайёрлаш" лойиҳаси мухбири

Ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш, фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги туркум материаллари учун

Мударисов Ильдар – "Uzbekistan Today" газетаси масъул котиби вазифасини бажарувчи

Мустақилликнинг халқимиз тақдиридаги ўрни-аҳамияти, юртдошларимизнинг ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштироки, янги тараққиёт босқичида Ҳаракатлар стратегияси моҳиятига бағишланган туркум материаллари учун

Ортиқхўжаева Гулбаҳор – www.adolatnashr.uz сайти муҳаррири

Ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини оммалаштириш, интернет тармоғида миллий ўзбек адабиёти ютуқларини кенг тарғиб этишга қаратилган материаллари учун

Раҳмонқулов Улуғбек – ЎзМТРК "Тошкент" телерадиоканали ДУК "Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар" бош муҳарририяти катта муҳаррири

Мамлакатимизни модернизациялаш ва янгилаш жараёнларининг бориши ҳамда юртимизда юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар моҳияти чуқур очиб берилган таҳлилий материаллари учун

Туленов Рустам – "Нурлы жол" газетаси мухбири

Республикада ҳукм сураётган тинчлик-тотувликни таъминлашда миллатлараро бағрикенглик тамойилининг қадр-қиммати акс эттирилган мақолалари учун

Турсунов Зафар – "Пойтахт" радиоси бош муҳаррири

Халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, анъана ва қадриятларини тиклаш борасидаги кенг кўламли бунёдкорлик ишларига бағишланган эшиттиришлари учун

Шерматова Гулшан – "Нуробод" газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи (Самарқанд вилояти)

Ижтимоий ҳаётимиздаги долзарб муаммолар ечимига, давлат идораларининг халқ билан мулоқот борасидаги фаолиятига бағишланган таҳлилий мақолалари учун

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови совриндорлари

Абдуллаева Ҳадия – "Менинг юртим" телеканали мухбири

Абдураҳмонов Санжар – "Келажак бунёдкори" газетаси бош муҳаррири ўринбосари (Жиззах вилояти)

Абдурахмонов Салим – "Ишонч" газетаси мухбири

Авезов Амрулло – "Овози тожик" газетасининг Бухоро вилоятидаги мухбири

Йўлдошев Ҳаким – "Жамият" газетаси фотомухбири

Жўраев Орифжон – "Наманган садоси" газетаси мухбири

Матчонова Интизор – Хоразм вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири

Менглиев Ўктам – ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали муҳаррири

Норматова Мафтуна – "Камолот" радиоси мухбири

Зиятов Аҳрор – "Марғилон ТВ" бош муҳаррири (Фарғона вилояти)

Раҳмонов Искандар – Меҳнат фахрийси

Раҳмонова Эльмира – ЎзМТРК Андижон вилояти телерадиокомпанияси махсус мухбири

Умирова Адиба – "Ҳуррият" газетаси бўлим муҳаррири

Шамсиддин Нодирбек Қамариддин ўғли – ЎзМТРК "Yoshlar teleradiokanali" телерадиоканали мухбири

Шухратов Жонибек – "Кармана овози" газетаси мухбири (Навоий вилояти)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида одил судловни таъминлаш борасидаги ишлар, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари, Беруний, Элликқалъа ва Тўрткўл туманлари судлари судьялари, туманлар ҳокимлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Бухорода Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши тузилди, унинг таркиби ва ижро аппарати тузилмаси тасдиқланди. Кенгашнинг низоми муҳокама этилиб, маъқулланди.

● Нукусда "Ёш китобхонлар" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маънавият ва тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ёш авлоднинг китобга қизиқишини ошириш, уларда мутолаа маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

● Андижонда "Хотин-қизлар спортини ривожлантириш – давр талаби" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда "Хотин-қизлар, хусусан, уй бекаларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш ҳамда аёллар спортини ривожлантиришда мутасадди ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим вазифалари", "Ўқувчи қизлар ўртасида спортни ривожлантириш ва бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш", "Ўсмир қизлар ва аёллар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти", "Хотин-қизлар спорти: имконият ва истиқболлар" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

● Жиззах политехника институтида архитектура ва қурилиш факультети очилди ҳамда ушбу факультет қошида архитектор-лойиҳачилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий маркази ташкил этилди. Янги факультет ва минтақавий марказ вилоятда замонавий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш салоҳиятини ошириш, юқори малакали архитектор, архитектор-лойиҳачи кадрлар етказиб беришга хизмат қилади.

ЖАҲОНДА

● Покистонда бензин ташувчи машина ҳайдовчисининг катта тезликда автоуловни бошқара олмасдан машинанинг ағдарилиб кетиши натижасида 60 киши ҳалок бўлди, 40 га яқин одам жароҳатланди. Тахминларга кўра, ҳодиса натижасида ёнғин чиқиши ва портлашга атрофдаги кишиларнинг сигарета қолдиғини ташлаши сабаб бўлган.

● Арктиканинг Лаптевлар денгизи ҳудудидаги Хаттанга шельфида "Роснефть" компанияси томонидан нефть кони топилди. Бу Арктика тарихидаги кашф этилган дастлабки кон бўлиб, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра унда 9,5 миллиард тонна нефть эквиваленти мавжуддир.

● Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) Мадриднинг "Реал" ва футбол бўйича Бразилия терма жамоасининг собиқ ҳимоячиси Роберто Карлосга нисбатан текширув ишларини бошлади. Ушбу текширув германиялик журналист Хайо Зеппельт томонидан яратилган ҳужжатли фильм асосида олиб борилмоқда. Гап шундаки, журналистлар бразилиялик врач Жулио Сезарь Альвес ушбу футболчини даволашда допингдан фойдаланганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни топишди. Альвеснинг мижозларидан бири Роберто Карлос бўлганди. 44 ёшли собиқ футболчи ўзининг айбдор эмаслигини таъкидламоқда.

● Японияда бундан 72 миллион йил муқаддам ҳаёт кечирган 8 метрли динозавр қолдиқлари топилди.

ТОШКЕНТДА ВЕНГРИЯ ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛДИ

Тошкентда 27 июнь куни Венгрия элчихонасининг расмий очилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон ва Венгрия давлат мадҳиялари янгради. Элчихона биносида Венгрия ҳамда Европа Иттифоқининг байроқлари кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов бу йил Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлгани, ушбу элчихона мамлакатларимиз ҳамкорлиги тарихида янги саҳифа очиши ва уни янада ривожлантиришда муҳим бўғин бўлишини таъкидлади.

Венгрия ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийарто элчихона очилишига кўрсатган кўмаги ва ўзаро ҳамкорлик ривожига эътибори учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Ушбу муассаса икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши, шу билан бирга, Марказий Европа ва Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшишини қайд этди.

Тадбирда мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Венгрия ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийарто раҳбарлигидаги делегация аъзолари қатор вазирлик ва идораларда учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев билан мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, уларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Меҳмонларга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида сўзлаб берилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, парламент назоратини кучайтириш, қонун ижодкорлиги сифатини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича изчил ислоҳотлар олиб борилаётгани қайд этилди.

Давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда парламентлараро алоқалар муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

– Венгрия Ўзбекистон тараққиётига ҳурмат билан қарайди, – деди Венгрия ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийарто. – Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси халқаро ҳамкорлик учун ажойиб имкониятлар очмоқда. Инвестиция, пул-валюта сиёсатида ижобий ўзгаришлар кутилмоқда. Венгрия Ўзбекистон билан савдо-иқтисодиёт, қишлоқ ва сув хўжалиги, фармацевтика ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш ниятида.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашувда Ўзбекистон ва Венгриянинг сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигига доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Давлатлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш, ишбилармон ва илмий доиралар, маданият ва санъат фаоллари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашдан икки томон ҳам манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Учрашувда молия, қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва таълим соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Венгрия Инсон ресурслари вазирлиги ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида 2017-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Венгрия делегацияси Ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказди.

А.САМАДОВ,
ЎзА мухбири

ИЖОДКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатимизда миллий журналистикамизни янада ривожлантириш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, соҳа моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жамиятимизнинг барча жабҳалари қаторида сиёсий партиялар фаолиятини ҳам оммавий ахборот воситаларининг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа вакилларига алоҳида эътибор кўрсатилиб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши анъанага айланган. Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий Кенгаши томонидан партия фаолиятини ОАВ орқали ёритиб келаётган энг фаол журналистларни тақдирлаш мақсадида ўтказиб келинаётган "Куч – адолатда!" кўрик-танлови ҳам шулар жумласидан. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мазкур кўрик-танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, ҳудудий Кенгашлар матбуот котиблари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров ва бошқалар журналистларни касб байрами билан қутлар экан, партиянинг ғоя ва мақсадлари, амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчиликка намоён этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта эканлиги, энг сўнгги янгиликлардан аҳолини бохабар этишда журналистлар меҳнатини эътироф этди. Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда ҳам оммавий ахборот воситаларининг роли муҳим эканлигини таъкидлади. Қайд этилганидек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида "Куч — адолатда!" республика кўрик-танловининг телевидение, радио, матбуот ва интернет йўналишларидаги энг яхши журналистик материаллар муаллифлари тақдирланди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Бугунги кунда давлатимиз томонидан мамлакатимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, барча соҳаларни модернизация қилиш, эркинлаштириш, халқ билан мулоқотни изчил йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда.

ҲАР СОҲАДА ФАОЛЛИК – БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Маълумки қонун устуворлигини таъминлаш, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданият ва онгини ошириш, фуқароларни қонунга итоатгўйлик ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг асосий мақсади, шу билан бирга энг муҳим шарти ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон мустақилликка эришгач инсон ҳуқуқлари юксак даражада таъминланадиган, қонун устуворлиги ҳукмронлик қиладиган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни ўзининг пировард мақсади сифатида белгилаб олди. Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини тўла қарор топтиришни ёшларимизни таълим-тарбияли, чуқур билимли, интеллектуал салоҳиятли, она Ватанга садоқатли, баркамол шахс сифатида камол топтирмасдан тасаввур этиб бўлмайди. Бугун Президентимиз ва давлатимиз томонидан ҳар бир соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юрт равнақи, элу юрт ободлиги, инсонлар манфаатлари йўлида қабул қилинаётган ҳар бир Фармон, Қарор ва қонунлар мазмун-мақсади ҳам айнан демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

Мустақиллик сари, эл-юрт ҳуқуқи ва озод ҳаёти сари қўйилган қадамлар ўтган йиллар давомида қанчалар катта самара берганини бутун дунё кўриб турибди. Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фуқароларнинг эмин-эркин яшаши ва ишлашига яратилган шароитлар, кишиларнинг қонуний, ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатли ҳимояси буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори барпо этилганидан яққол далолатдир. Таъкидлаш лозимки, биз бугун жуда ҳам мураккаб, лекин шу билан бирга масъулиятлилик, бунёдкорлик ва жўшқинлик билан йўғрилган даврда яшамоқдамиз. Барча даврларда бўлгани каби ушбу давр ҳам жамият олдига ўзига хос вазифаларни қўймоқда.

Шу нуқтаи назардан, давлат ва жамият олдида турган вазифаларни самарали ҳал қилишда юридик ҳамжамият, айниқса юридик фан ва таълим ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозим. Агар мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг ижобий якуни ва самараси ушбу ислоҳотларни амалга ошириш тартиби ва механизмларини белгилаб берувчи ҳуқуқий базага боғлиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, фикримизнинг нечоғли тўғри эканини англаш қийин бўлмайди. Бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини модернизациялаш йўлида замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилганининг мазмун-мақсади ҳам мана шунда.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ислоҳотлар самарадорлигини янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни юксак даражада таъминлашга эришиш мақсадида 2017 йил 10 февралда бешта устувор йўналишни ўз ичига қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси" тасдиқланди. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар бугун барчамиздан давр талаби ва руҳини теран англашни талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳимоялаш борасидаги хайрли иш ва эзгу интилишлари барча юртдошларимизни Ватан равнақи йўлидаги масъулият ва ижтимоий бурчни чуқур ҳис этишга чақирмоқда.

Албатта, бу ислоҳотларнинг самарадорлиги, аввало, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончи, мамлакатда кечаётган жараёнларга дахлдорлик туйғусига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бундай ёруғ келажакни қуришда, шубҳасиз қай бир соҳанинг вакили бўлмайлик, қўлни-қўлга бериб, ғайрату шижоат билан ишга киришиб ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Токи, бугун унибўсиб келаётган фарзандларимиз, ўғил-қизларимиз юртига, элига, буюк аждодларига муносиб авлод бўлиб камолга етиб, озод ва обод Ватан равнақи йўлида хизмат қилсинлар. Аёлларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимиз ўзларига билдирилаётган катта ишончга муносиб тарзда жавоб бериб, Тўмарису Барчинойлар авлодининг муносиб давомчилари эканликларини намоён этсинлар.

Зеро, барчамизнинг энг эзгу тилагимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиб, унинг тўлақонли фуқаролари бўлиб бахтли-саодатли ҳаёт кечириш экан, бу йўлда хизматдан асло чарчамаслигимиз даркор. Бугунги кун талаби шуни тақозо этмоқда.

Мастуба САДРИТДИНОВА,
Тошкент шаҳар 1-сон никоҳ уйи мудираси

КЎҲНА ОБИДАЛАР ПЕШТОҚИДАГИ БИТИКЛАР СИРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган фан ва таълимни тараққий эттириш, ўзбек халқининг бой маданий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва асраб-авайлаш, китоб нашр этишни рағбатлантириш ва китобхонликни кенг тарғиб қилиш вазифалари бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бир неча йиллардан буён амалга оширилаётган "Ўзбекистон обидаларидаги битиклар" лойиҳаси шулар сирасидан.

Мазкур лойиҳа тарихий аҳамиятга эга бўлиб, моҳиятига кўра давлат ва жамоат ташкилотлари кўмагида мамлакатимиз ҳудудидаги барча меъморий обидалардаги битикларни комплекс ўрганиш ва умумлаштиришни кўзда тутади. Лойиҳа ижодий гуруҳи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги қадимий меъморий ёдгорликлардаги эпиграфик матнларни ўқиш ва уларни таржима қилиш бўйича бой тажриба тўплаган нуфузли маърифат-маънавият масканлари, муассасаларнинг тажрибали мутахассисларидан таркиб топган.

Ўтган давр мобайнида лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри, Самарқанднинг икки йирик тарихий меъморий мажмуаси – Регистон ва Шоҳи Зинда битикларига бағишланган 12 китоб-альбом тайёрланиб, чоп этилди.

Пойтахтимизда "Узоқ ўтмишдан мактублар: таълим, маърифат, тинчлик ва бунёдкорлик ўзбек халқининг абадий қадриятлари сифатида" мавзуида ўтказилган халқаро медиа-анжуман "Ўзбекистон обидаларидаги битиклар" китоб-альбомининг Тошкент вилоятидаги Зангиота меъморий мажмуаси ва бошқа шу каби тарихий обидаларга бағишланган навбатдаги жилди тақдимотига бағишланди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Тараққиёт стратегияси" маркази, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, "Камолот" ЁИҲ, "Darakchi Inform Servis" масъулияти чекланган жамияти каби қатор ташкилотлар ҳамкорликда ташкил этган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, кутубхона ҳамда олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, журналистлар қатнашди.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдуҳалимов, "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори А.Бурҳонов, ЎзЭОАВМА бошқаруви раиси, "Ўзбекистон обидаларидаги битиклар" лойиҳаси раҳбари Ф.Абдухолиқов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари А.Мансуров ва бошқалар мамлакатимизда тарихий-меъморий обидаларни қайта тиклаш ҳамда Шарқ алломаларининг буюк меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлади.

"Ўзбекистон обидаларидаги битиклар" лойиҳаси янги босқичда давом этади. Кейинги китоб-альбомлар Ўзбекистон бўйича дастлабки жилдларга киритилмаган обидалардаги битикларга бағишланади. Умумий ҳисобда 25 жилд китоб-альбом чоп этиш режалаштирилган.

– Тадбирда лойиҳанинг 3 минг 250 китоб-альбомини ўз ичига олган 250 тўпламни олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар мамлакатимиз ва жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасаларига топширилди, – дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова. – Бизнинг музейимиз ҳам мана шундай сертификатга эга бўлганидан мамнунмиз. Олимларимиз таъкидлаганидек, жамоатчиликка ҳавола этилган бу тўплам кенг қамровли бўлиб, юртимиз обидаларидаги битикларни ўрганишда қимматли манбадир. У туфайли биз аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган архитектура ёдгорликлари билан танишиш, асрлар қаъридан йўлланган битиклар – билимлар хазинасининг мағзини чақиш имконига эга бўламиз.

М.ҲУСАНОВА,
ЎзА мухбири

Реклама ва эълонлар

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси эълон қилади:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПФ-5044-сон "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2972-сонли "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Биржа савдоларида турган "Сувсаноатмаш" акциядорлик жамиятининг устав фондидаги 48,2 фоиз давлат акциялари пакети (1 507 138 дона акциялар) (кейинги матнда "давлат акциялари пакети" деб юритилади) биржа савдоларидан олинди;

2) Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 2 июндаги 5112/03-11-сонли топшириқ хати, акциядорлик тижорат "Aloqabank"нинг 2017 йил 31 мартдаги 15-12/1263-сонли хатига мувофиқ биржа савдоларида турган "Aloqabank" акциядорлик тижорат банкининг 47,54 фоиз давлат акциялари пакети (461 413 575 дона акциялар) биржа савдоларидан олинди.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 4 августда ўтказиладиган тўғридан – тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:

– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

– ушбу давлат активлари учун энг камида қуйидаги жадвал иловаларида келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;

– янги ишчи ўринлари ташкил этиш;

– сотиб олиш тўлови ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

– сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 фоиздан кам бўлмаган закалат суммаси;

– таклифлар (бизнес-режалар) ва керакли ҳужжатлар солинган ҳамда елимлаб ёпиштирилган, имзо билан тасдиқланиб, муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига бошқарманинг буйруғи қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдоси бошланишига 1 иш куни аввал соат 16.00да тўхтатилади.

Савдолар 2017 йил 4 август куни соат 16.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади. Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2017 йилнинг 21 август, 5, 20 сентябрь, 5, 20 октябрь, 13, 28 ноябрь ва 13, 28 декабрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-22-83

Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари РЎЙХАТИ

Т/р	Объект номи	Объект манзили	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м)	Балансда сақловчи	ПК/ВМК	Объектнинг бошланғич нархи	Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар
1.	Маъмурий технологик комплекс, иссиқхоналар, маданият ва истироҳат боғининг бино ва иншоотлари	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Саккиз кўчаси, 3"А"-уй	20 628,00	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Маданият бошқармаси	Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 июндаги 507-ф-сонли фармойиши	44 421 125 948 сўм	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – ҳарид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш
2.	Медицина биноси	Тошкент шаҳри, Марғилон кўчаси, Бўлак Ипак йўли кўчаси, 115-уй	6 178,1	Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Саҳар, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол молlари ишлаб чиқариш департаменти" ДУК қошидаги "Тошкент саёҳат сервис" МЧЖ	Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 июндаги 507-ф-сонли фармойиши	28 613 375 389,73 сўм	





Спорт янгиликлари

ТУРНИРНИНГ ФИНАЛЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Фарғонада хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган халқаро теннис турнирининг финалига йўлланма олган спортчилар номи маълум бўлди.

Биринчи рақамда сараланган Сабина Шарипова ярим финалда украиналик Валерия Страхова билан куч синашди. Икки соату 15 дақиқа давом этган беллашув ҳамюртимизнинг 4:6, 6:2, 7:6 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Нигина Абдураимова эса ярим финал учрашувини россиялик Елена Рибакинага қарши ўтказди. Бу баҳсда россиялик теннисчи анчайин осон ғалабага эришди — 6:2, 6:1.

Энди мусобақа финалида Сабина Шарипова Елена Рибакинага қарши кортга чиқади.

ҲАМЮРТИМИЗ ЧЕМПИОНЛИК БАҲСИДА РИНГГА ЧИҚАДИ

Аралаш яккакурашлар жангларида фаолият юритиб келаётган ўзбекистонлик Нурсултон Рўзибоев ўзининг навбатдаги жангини 2 июль куни Москва шаҳрида ўтказади.

"Black" номи билан машҳур бўлган спортчимиз "WEF" камари учун кечадиган жаҳон чемпионлиги беллашувида қирғизистонлик спортчига қарши рингга кўтарилади.

– Мазкур жангга тайёргарликлар кучайтирилган тарзда олиб борилди. Сабаби олдимиздаги жанг фаолиятимда муҳим ўрин тутади. Шундай экан ушбу жангда ғалаба қозониб, мухлисларни хурсанд қилмоқчиман. Насиб қилса юртимизга фаолиятимдаги навбатдаги жаҳон чемпионлиги камари билан қайтишни ният қилганман, — дейди Нурсултон.

Эслатиб ўтамиз, Нурсултон Рўзибоев 1993 йили Андижон вилоятида туғилган. Аралаш яккакурашлар жангларида тўрт йилдан бери шуғулланиб келмоқда. Шу вақтга қадар у профессионал рингда 19 жанг ўтказиб, 16 тасида ғалаба қозонган. 2015 йили Осиё чемпионати профессионал жангларида бош камарни қўлга киритган. 2016 йил августда Жанубий Кореяда ўтказилган ярим профессионаллар ўртасида чемпионликни нишонлаган бўлса, октябрь ойида жаҳон чемпионига айланди.

ФУТБОЛЧИМИЗ СЛОВЕНИЯДА ШУҒУЛЛАНМОҚДА

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тажрибали ярим ҳимоячиси Вадим Афонин янги мавсумни "Анжи" жамоаси сафида ўтказади.

Махачқалъа клуби эса айни вақтда Словенияда тайёргарлик босқичи доирасида йиғин ўтказмоқда. Куни кеча ушбу жамоа назорат учрашувида Руминиянинг "Астра" клубига қарши майдонга тушди. Ҳамюртимиз бу гал заҳирада қолдирилди ва беллашувнинг иккинчи бўлимида баҳсга қўшилди. Мазкур ўйинда 2:1 ҳисобида "Анжи" ғалаба қозонди. Эътиборлиси, Афонин жамоасининг иккинчи голига ассистентлик қилди.

"Анжи" ушбу йиғин доирасида Руминиянинг "ЧФР" жамоаси билан ҳам ўртоқлик ўйинини ўтказади.

Ботир ХЎЖАЕВ

ОИЛАВИЙ КУТУБХОНАНИНГ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Қаҳрамони О.Шарофиддиновнинг қуйидаги: "...Инсон бор экан, китоб ҳам қай бир шаклда яшайверади. Шундоқ экан, бу мўъжизадан баҳраманд бўлишдан тўхтаманг, азизлар!" деган ўгитлари замирида қанча пурмаъно тарбия мавжуддир.

Президентимизнинг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши биз кутубхона мутахассислари олдидаги бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

Бугун китобхонликни аввало оила, ҳар бир хонадондан бошлаб, оилаларда "Оилавий кутубхоналарни" ташкил этиш орқали ёшлар ўртасида китобхонлик мутолааси ва маданиятини оширишга эришамиз. Китоб болаларнинг маънавий онги ва дунёқарашини шакллантиради.

Китоб – устоздир, у аввало ёшларимиз қалбининг саховати, ҳалоллик, мардлик, эътиқод билан тўлдирилишида ибрат мактабини бажаради.

Оилада фарзандлар маънавиятини болаликдан шаклланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки улар шу даврда атрофдаги нарса ва ҳодисаларга ўта синчковлик билан қарайди, тезлик билан ўрганишга ҳаракат қилади. Ана шу даврда оилалардаги кутубхона жавонидаги миллий эртакларни улар билан биргаликда мутолаа қилиш, унда келтирилган воқеа ва ҳодисаларни оила даврасида ўзаро муҳокама қилиш ҳам китобга бўлган муносабатнинг шаклланишида асосий ўринни эгаллайди.

Демак, китоб ҳақида қанча гапирсак ҳам кам. Чунки у энг яқин дўст, энг зарур ҳамроҳдир. Айниқса, болалигиданоқ китобга меҳр қўйган инсоннинг жамиятда ўз ўрни, одамлар орасида обрў-эътибори бўлади.

Ҳар бир ота-она фарзандининг келажагига масъул экан, уни моддий жиҳатдан тўла таъминлаш билан бирга, маънавий оламини бойитадиган, ақлини пешлайдиган, уйда ота-онанинг ўзи китобхон, китоб ўқишни севувчи бўлса, бу одат болада ҳам аста-секин шакллана боради.

Демак, китобхонликни шакллантириш, болалар маънавиятини юксалтиришга қаратилган ҳар қандай эзгу иш оиладан бошланмоғи зарур. Оилада китобсеварликни яхши анъанага айлантириш лозим.

Оилавий кутубхона нафақат болаларни китобга бўлган муносабатини шакллантиради, балки оилавий тарбия жараёнини ривожлантириб, ота-онанинг ташкилотчилик қобилиятини ўстириш, уларнинг маънавият ва маданиятини, оила аъзоларининг ўзаро муносабатини мустаҳкамлаш, оиладаги ҳар бир фарзандни билимли, ақлли, доно инсон сифатида тарбиялашда асосий омил ҳисобланади.

Шу ўринда "Оилавий кутубхона"да Абу Али ибн Сино, Алишер Навоийнинг бола тарбиясига оид асарлари, ўзбек халқ мақоллари ва бошқа адабиётларнинг бўлиши, уларни мутолаа қилиш ва оилада ибратли мавзуларда суҳбатлар ўтказиш, баҳс юритиш ижобий натижа беришини таъкидлаш жоиз.

Фарзандлар тарбиясида кекса авлоднинг ўрни ҳам ўзгача, сабаби, суҳбат жараёнида улар ўзлари ўқиган китоблар, ундаги қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати орқали болалар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиб, "жонли китоб" вазифасини бажарадилар.

Куни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви билан ҳамкорликда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда ҳам бу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Кўпчиликка манзур бўлган давра суҳбатида "Фарзанд тарбиясида китобнинг ўрни" мавзуидаги фикр ва мулоҳазалари билан психолог, мутахассис, маҳалла фаоллари ва китобхон оилалар иштирок этиб, улар томонидан бир қатор таклифлар киритилди.

Биз, ўз жамоамиз билан мазкур муҳим ишларни давом эттириш мақсадида олдимизга бир қатор маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишни мақсад қилиб қўйдик. Бу каби тадбирларда кутубхона тарихи, ундаги ноёб қўлёзмалар, чоп этилаётган янги китоблар, болалар учун алоҳида нашр қилинаётган китоб ва буклетлар, замонавий ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижоди, таниқли санъаткорларнинг китобга бўлган муносабатларга алоҳида тўхталиб ўтилиши назарда тутилди. Бугунги кундаги ёшларимизнинг ижтимоий тармоқлардан эпчиллик билан фойдаланаётганини инобатга олиб, бу тадбирларни махсус сайтлар орқали ёшларга етказиш ишлари режалаштирилди.

Бундай тадбирларни нафақат маҳаллаларда, таълим масканларида ҳам ташкиллаштиришни йўлга қўйдик. Аҳоли ўртасида китобхонликка бўлган қизиқишни кучайтириш ва ёшлар орасида китоб мутолаа маданиятини тарғиб этиш мақсадида, "Ўқи дегани илоҳий калом" мавзусида пойтахт маҳаллаларида сайёр тадбирлар ташкил қилинди. Айтиш жоизки, бу каби тадбирлар нафақат ёшлар ва кенг жамоатга маълумот беришга ёрдам беряпти, балки биз, мутахассислар учун ҳам дарс вазифасини ўтамоқда.

Халқ билан мулоқот қилиш жараёнида уларнинг қизиқишлари, талаб ва таклифларига қараб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида улар учун шароитларни янада яхшилашга ва қўшимча имкониятлар яратишга ҳаракат қилинмоқда. Чунки, китоб – инсон қалбига нур таратувчи ва кайфиятини кўтарувчи беминнат дўстдир. Бу тушунчани инсонлар онгига етказиш бизнинг олий мақсадимиздир.

Камола ТАДЖИБАЕВА

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

шунда ўз соғлиғингизни ўзингиз таъминлайсиз

Инсон саломатлиги жуда кўп омилларга боғлиқ, унинг асосийларидан бири соғлом турмуш тарзига риоя қилишдир. Аксариятимиз бирон жойимиз оғриганда ёки шикоятимиз бўлгандагина шифокорга мурожаат қиламиз ёхуд шундан сўнггина касалликни бартараф этишга ҳаракат бошланади.

Аслида эса касалликларнинг олдини олиш ўзимизга боғлиқ. Яшаш тарзимизни тўғри йўлга қўйиш орқали турли дардлардан фориғ бўлиш мумкин. Яъни, соғлом турмуш тарзига амал қилиш зарур. Бунда биздан уч нарса талаб этилади, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, тўғри овқатланиш ва тозаликка риоя қилиш.

Аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган касалликлардан бири нафас олиш органлари касаллиги бўлиб, у шамоллаш орқали содир бўлади. Уни бартараф қилиш ва олдини олишда жисмоний тарбия билан шуғулланиш, танани чиниқтириш муҳим аҳамият касб этади. Тананинг чиниқиши ташқи таъсирларга чидамлиликни оширади. Бунда асосан бадантарбия билан шуғулланиш, қуёш нурида тобланиш ва совуқроқ сувда чўмилиш яхши самара беради.

Тўғри ва фойдали овқатланиш – инсон умрини узайтиради, аммо бунга барча ҳам бирдек амал қилавермайди. Ўз вақтида овқатланмаслик, баъзида кўп, баъзида эса кам ёки умуман овқатланмаслик, ҳаддан ташқари кўп миқдорда кучли калорияга эга таомларни истеъмол қилиш ички аъзоларнинг касалланиши ва бевосита қадди-қоматнинг нотўғри ривожланишига таъсир этади. Тўғри овқатланишни энг аввало таом тайёрлашдан бошлаш лозим. Бунда албатта, гигиена қоидаларига қаттиқ эътибор қаратиш керак.

Овқатланиш қоидаларига амал қилмаслик натижасида баъзиларда керагидан ортиқ семириш ҳоллари кузатилади. Улар эса парҳез қилишга ўтишади. Парҳез қилиш қоидаларини билмасдан туриб ҳаддан ташқари кам овқатланадиган ёки умуман овқатланмай қўядиганлар ҳам учраб туради. Натижада, бу ҳол ошқозонга жуда катта зарар етказади, бундан ташқари, агар организм ўзига керакли витаминларни қабул қилмаса бу ҳар хил касалликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, тез тайёр бўладиган гамбургер, чизбургер, лаваш каби егуликларни доимий тановул қилиш ҳам организмга зарар етказади.

Биз доимо ўз соғлиғимиз ҳақида қайғуришимиз лозим. Шундай экан, тўғри овқатланиш билан бирга витаминга бой овқатларни тановул қилиш керак. Эрта саҳардан позитив бўлишлик учун албатта нонушта қилиш лозим, нонуштага енгил, лекин тўйимли бўлган бринза, пишлоқ, помидор, бодринг, зайтун, тухум каби маҳсулотларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Тушликда эса кучли калорияли овқатларни қўрқмасдан ейиш маслаҳат берилади. Сабаби куннинг иккинчи ярмида иш фаолияти давом этиши натижасида овқат ҳазм бўлиши осонлашади. Кечки овқат эса енгилроқ бўлиши тавсия қилинади.

Тозаликка риоя қилиш соғлом яшашнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбек халқи азалдан тозалик ва орасталикка катта эътибор қаратиб келишган. Уйдаги тартиб-интизом, озодалик инсон психологияси, руҳиятига жуда катта ижобий таъсир ўтказади. Психологларнинг айтишича, бетартиблик, бесаранжомлик, буюмларнинг аралашиб ва ҳар жойда ётиши хотиранинг сусайишига олиб келар экан. Халқимиз орасидаги "Поклигинг – соғлигинг", "Соғлом бўлай десанг, озода бўл", деган ҳикматли сўзлари бежиз айтилмаган. Зеро уйимизда, ишимизда, юриш-туришимизда тозалик ва озодаликка тўла амал қилсак, нафақат ўзимиз, балки фарзандларимиз ва яқинларимизнинг соғлиғига ҳисса қўшган бўламиз.

Дилдора ЖЎРАЕВА,
1-республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Йил сайин инсоният тараққиётнинг янги-янги чўққиларини забт этмоқда. Замонавий технологиялар кашф этилиб, яшаш тарзимиз яхшиланиб бораётир. Турли юқумли ва бошқа касалликларга даволар топилиб, одамларнинг саломатлик даражаси ижобий томонга ўсмоқда. Аммо гиёҳвандлик деган бир иллат борки, у ҳамон инсонлар ҳаётига, соғлиғига, руҳиятига ва камолотига зиён етказувчи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

НАРКОТИК МОДДАЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб наркобизнесга қарши курашиш, унинг олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. Давлатимиз 1995 йилда БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисидаги қатор Конвенцияларига қўшилди. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилда қабул қилинган "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонуни бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан наркотик моддалар билан боғлиқ ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга қарши курашиш борасида барча имкониятлардан тўла фойдаланилмоқда. Амалдаги тартибга мувофиқ судда ашёвий далил сифатида мусодара қилинган гиёҳвандлик воситалари махсус печларда ёқиб юборилади.

Пойтахтимизда 26 июнь – "Халқаро гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш" куни муносабати билан ҳамда гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги доирасида Миллий хавфсизлик хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралари томонидан наркобизнесга қарши кураш давомида мусодара этилган гиёҳвандлик воситаларининг навбатдаги тўпламини йўқ қилишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда мутасадди идоралар ходимлари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

2016 йилда Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан наркотрафикка қарши курашга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилиб, бу жараёнда гиёҳванд моддаларни мамлакатимизга олиб кириш йўлларини беркитиш, уларнинг нафақат мамлакатимиз ичида ноқонуний муомалада бўлиши, балки ҳудудимиз орқали транзит қилинишига чек қўйиш ҳамда барқарор уюшган жиноий гуруҳларни йўқ қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотига кўра, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2016 йилда 6646 та наркожиноятлар фош этилган. Уларнинг салкам ярмини наркотик моддаларни ўтказиш-сотиш ташкил қилган бўлса, қолганлари контрабанда, гиёҳвандлик ўсимликларини етиштириш, бангихоналар ташкил этиш ва бошқа турдаги жиноятлар ташкил этади.

– 2016 йилда республикада гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишида бўлган жами 3,5 тоннадан зиёд наркотик моддалар мусодара қилинди, – дейди Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати матбуот хизмати катта ходими Лола Йўлчибаева. – Мамлакатимизга наркотик моддалар асосан Тожикистон ва Қирғизистон орқали олиб кирилмоқда. Шунингдек, Амударё орқали Сурхондарё вилоятига, жанубий-шарқдан Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига ҳамда шимоли-шарқдан Фарғона водийси ва Тошкент вилоятига олиб киришга бўлган уринишлар кузатилмоқда. Гиёҳванд моддалар кириб келишининг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

2016 йил 3 февраль куни Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида гашиш наркотик моддасининг контрабандаси ва ўтказиш-сотиш билан шуғулланаётган жиноий гуруҳ қўлга олинди. 2016 йил 4 март куни гуруҳ аъзоларидан бирининг уйида тинтув пайтида 15,5 кг. гашиш гиёҳванд воситаси топилиб мусодара қилинди.

2016 йил иккинчи чораги мобайнида Сурхондарё вилоятининг чегара ҳудудларида жами 24 та ҳолатда эгасиз яширилган 327 кг. опий, 10,8 кг. гашиш ҳамда 1,6 кг. героин гиёҳванд воситалари мусодара қилинди.

"Қора дори – 2016" кенг қамровли тадбири давомида жами 1 минг 70 ҳолатда 4 минг 933 квадрат метр майдонда таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликлар экилганлиги аниқланди. 2 минг 37 квадрат метр майдондаги ёввойи наша ўсимликлари йўқ қилинди.

Тадбир давомида идоралараро комиссия томонидан 2 тоннадан зиёд гиёҳвандлик воситалари, жумладан, 22 кг. героин, 1 тонна 154 кг. опий, 384 кг. марихуана, 101 кг. гашиш, 337 кг. кўкнори, 170 граммдан ортиқ янги турдаги психофаол воситалар ҳамда катта миқдордаги кўкнори хашаги, наша ва психотроп моддалар йўқ қилинди. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда 1994 йилдан буён 57 тонна 443 килограмм наркотик воситаларнинг кули кўкка совурилган.

Абдуалим САЛИМОВ

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-635

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 22.40

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ